



ARTICLE INFO

Received: 21th December 2022

Accepted: 30th December 2022

Online: 31th December 2022

KEY WORDS

Калом илми, ақоид, Абу ал-Юср Паздавий, Ҳоким Найсабурий, Абу Ҳафс Умар Насафий, Имом Муҳаммад, Имом Мотуридий, Абу Шакур Кеший, имом Ашъарий, Аҳмад ибн Ҳанбал.

Бугунги кунда ислом оламида аҳли сунна вал-жамоа калом мактаби сифатида эътироф этилган мотуридия таълимотининг ривожда ўзига хос ўрин тутган аллома – Абу ал-Юср Паздавийнинг илмий меросини ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Мавзу доирасида асосан тўрт йўналишдаги адабиётлар, тадқиқотлар ва илмий мақолалар таҳлил қилинди:

Биринчиси – классик ва замонавий араб тилидаги манбалар ва адабиётлар;

иккинчиси – турк олимларининг тадқиқотлари ва илмий мақолалари;

учинчиси – Европа шарқшунослари томонидан олиб борилган тадқиқотлар;

тўртинчиси – Ўзбекистонда ушбу мавзу доирасида амалга оширилган илмий ишлар.

Садрул-ислом Паздавийнинг тўлиқ исми Абу ал-Юср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Абдулқарим Паздавий

АБУ АЛ-ЮСР ПАЗДАВИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Шовкатов Шокир Шовкат ўғли

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Малака ошириш маркази ўқитувчиси

+998912241876, shokirshovkatogli1976@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7500354>

ABSTRACT

Ушбу мақолада калом ва ақоид илмларининг шаклланиши, ақида илмининг ривожланишида катта ҳисса қўшган мутакаллим олим Абу Юср Паздавий ва унинг Мотуридия калом мактаби ривождаги ўрни, унинг Мовароуннаҳрда ақоид ва унга оид илмлар ривождаги ўрни ҳақидаги маълумотлар тадқиқотлар асослар асосида ёритиб берилган.

бўлиб, у 421/1030 йилда ҳозирги Қарши шаҳри ўрнида жойлашган Насаф ҳудуди атрофида дунёга келади. Унга берилган “Паздавий” нисбаси эса Насафдан Бухорога кетиш йўлида ундан олти фарсах¹ масофада жойлашган “Пазда”² ёки “Базда” деган қўрғон номидан олинган³. Зеро Насаф X – XI асрларда ҳадис, калом ва фикҳ илмлари бўйича Ўрта Осиёда йирик марказлардан бири сифатида санокли шаҳарлар қаторидан ўрин олган. Чунки IX асрдаёқ Насаф ва ундан унча узоқ бўлмаган Паздада, шунингдек, Кеш воҳаларида ҳам фикҳ,

¹ 5544 м (3 мил, пиёда ўртача 1.5 соатли йўл).

² Паздада Мовароуннаҳрнинг пойтахт шаҳарларидан олимлар келиб дарс берганлар. Жумладан, машҳур суфийлардан бўлган Тоҳир ибн Муҳаммад Бухорий Пазда қўғонида яшаган ва шогирдларига таълим берган.

³ Улрих Рудолф. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. – Тошкент: Имом Бухорий халқаро жамғармаси-ўзбекча нашр ҳуқуқи, 2001. – Б. 167



калом, ҳадисшунослик, илоҳиёт ва бошқа фан соҳаларига оид мактаблар шакллана бошлаган эди. Афсуски, Паздавийнинг ёшлик йиллари тўғрисида маълумотлар манбаларда деярли учрамайди⁴. У дастлабки сабоқни отаси Абул-Ҳасан Муҳаммад Паздавийдан олади. Шунинг билан бир қаторда у бир қанча ҳанафий олимларидан ҳам таҳсил олиб, ислом асосларини чуқур ўрганади. Паздавийнинг устозлари⁵ орасида Исмоил ибн Абдусодиқ, Абу Яъқуб Юсуф ибн Мансур Сайёрий, Яъқуб ибн Юсуф ибн Муҳаммад Найсабурий ва шайх имом Абулхаттоб каби олимларнинг ўрни ниҳоятда беқиёс бўлган⁶. Паздавийнинг устози Абу Яъқуб Найсабурий Ҳоким Абу Исҳоқ Муҳаммад ибн Мансур Навқадий ва бошқалардан фикҳни ўрганиб, ўз устозларининг китобларини ривоят қилади. Паздавий айнан шу кишидан Абулқосим Саффорнинг⁷ “ал-Мухталаф” номли китобини ривоят қилган⁸. Садрул-ислом Абу ал-Юср Паздавий Бухоро фақиҳлари ва Самарқанд қозиларининг ҳам етакчи раҳнамоларидан бири бўлган. Бу зот улуғ имом, етук аллома бўлгани учун турли ўлкалардан у кишини зиёрат қилиш ва суҳбатларини олиш учун келадиганларнинг кети узилмас эди. Аллома бутун шарқ ва ғарб ўлкаларини усул ҳамда фуруъда ёзган асарлари

⁴ “Ҳидоят”. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг диний-маърифий, илмий-адабий нашри. 2010 йил 7-сон, - Б. 30.

⁵ Биринчи иловага қаранг.

⁶ Лакнавий. Ал-Фавоиду-л-баҳийа. Ж. I. Б. 188.

⁷ Унинг вафот этган санаси номаълум бўлиб, тахминан ҳижрий V аср уламоларидан бўлиши мумкин.

⁸ Алоуддин Али ибн Амруллоҳ ал-Хумайдий. Табақот ал Ҳанафия. –Боғдод: 2005. 2 жилд, - Б. 101.

билан лол қолдирган. Абдулкарим Самъоний (1113-1167) аллома ҳақида шундай дейди: “Паздавий халқ орасида қозилар пешвоси сифатида танилган бўлиб, Бухорода бир қанча вақт ҳадис имло қилдирган, фикҳ соҳасида талабаларга дарс берган забардаст назариётчи олим эди”⁹.

Абу Ҳафс Умар Насафий “Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд” асарида “Абул Юср мутлақ олганда имомларнинг имомидир, турли ўлкалардан талабалар илм ўрганиш учун унинг олдига келар эди. У зот усул ва фуруъда кўплаб асарлар ёзган. Самарқанд қозилигига тайинланган ва бир муддат ҳадис имло қилдирган” деб зикр қилади¹⁰.

Хайриддин Зирклий ўзининг “Аълум” номли китобида айтишича, Муҳаммад ибн Муҳаммад Паздавийнинг “Абул-Юср” (осонлик отаси) деб куняланишига сабаб, унинг ёзган китоблари оддий ва содда тилда ёзилгандир. Унинг акаси Али ибн Муҳаммад Паздавийнинг таълиф қилган китоблари ниҳоятда мураккаб бўлгани учун “Абул-Уср” (қийинлик отаси) куняси билан машҳур бўлган. Унинг бобоси Абдулкарим Паздавий муҳаддис бўлиб¹¹, Мотуридийнинг шогирдларидан бири бўлган. Ибн Абулвафонинг “Жавоҳир” асарида айтилишича у 390/999 йилда вафот этган бўлиб, исми Абу Муҳаммад Абдулкарим ибн Мусо бўлган. У зот мазкур боболари тўғрисида ўзининг “Усул ад-дин” асарида сўз юритиб, унинг

⁹ Самъоний Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамимий. Ал-Ансоб. Ж.I. – Байрут: Мактабатул асрия, 1998.

¹⁰ Насафий Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад. Ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд / Назар Муҳаммад ал-Фарёбий таҳрири остида. – Саудия Арабистони: Мактабатул Кавсар, 1991.

¹¹ Лакнавий. “ Ал-Фавоиду-л-баҳийа”. Ж. I. Б. 54.



Мотуридий ҳақидаги ривоятлари авлоддан авлодга ўтиб бораётганини таъкидлайди. Демак, Абу ал-Юср Паздавий Самарқанд калом мактаби билан оиласи орқали ҳам танишиш имконига эга бўлган. Умар ибн Муҳаммад Насафий “ал-Қанд фи тарихи Самарқанд” асарида: “Абу ал-Юср мовароуннаҳрлик асҳобларимизнинг шайхи эди. У умуман олганда имомлар имоми эди. Турли ўлкалардан талабалар илм ўрганиш учун унинг олидига келар эди. У усул ва фуруъда кўплаб асарлар ёзган. Самарқанд қозилигига тайинланган ва бир муддат ҳадис имло қилдирган”, деб маълумот беради¹².

Ислом асосларини чуқур ўрганган аллома ҳаёти давомида кўпгина китоблар таълиф қилади. Олимнинг ёзган китоблари турли соҳаларга оид бўлиб, улар орасида “Усул ад-дин” асари муҳим аҳамиятга эга. Аллома мазкур асарини тўқсон олти масала кўринишида баён қилган бўлиб, буларнинг биринчисида калом илмини ўрганиш ва ўргатиш ҳукми ҳақида баҳс юритган бўлса, охири масалада эса мотуридийларга муҳолиф мазҳабларни баён қилиб ўтган. Мазкур асар мазмун-моҳияти жиҳатидан аҳли сунна вал-жамоа йўналиши ва мотуридия мактаби фикрларининг бутун моҳиятини очиб бериш ва Мовароуннаҳрда тарқалган “Аҳлуз-зайғ вал-бидаъ - адашганлар ва бидъатчилар”нинг таъсирини камайтириш учун ёзилган.

Шунингдек, Паздавий бу асарида кўп маротаба Мотуридийга ҳам мурожат қилади. Масалан, ўз асарининг бошида “Китоб ат-тавҳид”га урғу бериб, унинг услуб ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида

муҳим маълумотлар беради. Алломанинг мазкур асари билан бир қаторда фикр илми асослари ва соҳалари ҳамда араб тили грамматикасига бағишланган асарлари ҳам бор. Жумладан, “Шарҳ ал-ажрумийа”¹³, Имом Муҳаммаднинг “ал-Жомеъ ас-сағир” асарида шарҳ сифатида “Таълиқот” ҳамда ҳошия ҳисобланувчи “ал-Мураттаб” ва фикр оид “ал-Воқиат” ва “ал-Мабсут” каби асарларини келтириш мумкин.

Ҳозирги кунда баъзи замонавий тадқиқотчилар Абу ал-Юср Паздавийнинг мотуридия таълимоти вакили ва Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан аллома эканига шубҳа билдиради. Бунинг тасдиғи сифатида алломанинг “Усул ад-дин” асарида мотуридия таълимоти номининг зикр қилинмаслигини далил қилиб келтиришга ҳаракат қиладилар. Лекин бу қараш нотўғри ҳисобланади. Шу билан бирга, Абу ал-Юср Паздавийнинг шахсияти ва илмий мероси борасидаги мазкур қараш бирор бир илмий асос ва далил-ҳужжатга эга эмас.

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, Имом Мотуридий яшаган давр – IX ва X асрларда мотуридия номи ислом оламида кенг тарқалмаган эди. Мазкур даврда мотуридия таълимоти умумий маънода аҳли сунна вал-жамоа деб номланган. Бунинг тасдиғи сифатида IX асрда яшаб ижод қилган аллома Ибн Яҳё ўзининг “Шарҳу жумали усул ад-дин” (Дин асослари қисқа баённинг шарҳи) асарида келтирилган ривоятни келтириб ўтиш мумкин. Яъни X асрда

¹² Ибн Қутлубғо. Тож ат-Тарожим фи табақот ал-Ханафия. Боғдод: 1962. – Б. 33.

¹³ Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад. Ўрта Осиё олимлари қомуси. – Тошкент: Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази нашриёти, 2007. – Б. 88.



Самарқанд шаҳрида исломни қабул қилган янги бир мусулмон киши ўша даврдаги мавжуд турли фирқа вакилларининг олдига бориб, уларнинг мазҳаби борасида саволлар беради.

Жумладан, қадария фирқаси вакилининг олдига бориб: “Мазҳабингни менга баён қил?” деб сўраганида, у: “Хоҳлаган ишимни қила оламан ва хоҳлаган ишни қилишга қодирман”, деб жавоб беради. Савол сўраган киши “Мен бу мазҳабга кирмайман. Чунки сизнинг мазҳабингизга кўра, Аллоҳ таолодаги қудрат менда ҳам мавжуд бўлиб қолади”. Қадария фирқаси вакили: “Агар менинг мазҳабимга кирмасанг, аҳли сунна вал-жамоага кир”, дейди. Мазкур савол берган киши ўша даврда мавжуд фирқа ва мазҳаблар вакилларининг олдига бориб, уларнинг мазҳаблари ҳақида сўрайди. Ҳар бир фирқанинг жавобини қабул қилмаганида, ҳар бир фирқа вакили: “Агар бизнинг мазҳабимизга кирмасанг, аҳли сунна вал-жамоага кир”, деб айтишади. У эса аҳли сунна вал-жамоа кимлар эканини сўраганида, унга: “Улар ҳар бир шаҳарда аҳли сунна вал-жамоа номи билан танилганлар. Улар Самарқандда Дор ал-жузжония ва Дор ал-иёдия мактабига мансублар, Бухорода Абу Ҳафс издошлари ва Балхда Нусайр ибн Яҳёнинг тарафдорларидир” деб жавоб берар эди¹⁴. Ушбу маълумот IX-X асрларда Мовароуннаҳр ҳудудида турли фирқа ва мазҳаб вакиллари фаолият юритганига далил бўлади.

¹⁴ Оқилов С. Абу Мансур ал-Моуридий илмий мероси ва мотуридия таълимоти // Монография. – Тошкент: Ҳилол, 2020. – Б. 35-36; Ибн Яҳё. Шарҳу жумали усул ад-дин. Туркия жумҳурияти “Сулаймония” кутубхонаси, Шаҳид Али бўлими. – Қўлёзма. Инв. 1648/II. – В. 120а-121а.

Абул Юср Паздавий билан замондош бўлган машҳур мутакаллим аллома Абу Шакур Кеший “Тамҳид” асарида ҳам мотуридия таълимотининг ўрнига аҳли сунна вал-жамоа атамасини ишлатган. Юқоридаги келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Абул Юср Паздавий ва Абу Шакур Кеший яшаган даврда мотуридия таълимоти номи ислом оламига кенг тарқалмаган ва алоҳида таълимот сифатида машҳур бўлмаган эди. Мотуридия таълимоти номининг кенг тарқалишига катта қисса қўшган аллома Абул Муин Насафий ҳисобланади¹⁵. Зеро, Абул Муин Насафий калом илмига оид шоҳ асарининг номига ҳам, яъни “Табсират ал-адилла ала тариқат ал-имом Аби Мансур ал-Мотуридий” деб Имом Мотуридий номини киритган.

Абу ал-Юср Паздавий Мовароуннаҳрда айниқса, Бухорода ҳанафий мазҳаби ҳамда мотуридий калом мактабининг ривожланишида улкан хизмат кўрсатган. Бинобарин, унинг пойтахт ҳисобланган Самарқандга кўчиб келиши ҳам, ҳанафий таълимоти ривожланишининг йўналишларини сезиларли даражада ўзгартириб юборади. Уламолар орасида катта обрўга эришган Абу ал-Юср Паздавий Самарқандда “Қозийул - кузот” унвонига эришади. Лекин салжуқийлардан Маликшоҳнинг Мовароуннаҳрга қарши юриши натижасида (481/1088-89й.) алломанинг Самарқанддаги муваффақиятли фаолиятларига яқун ясалади. Айнан шу ҳолат алломанинг

¹⁵ Оқилов С. Абул Муин ан-Насафий ва мотуридия таълимоти. Монография. – Тошкент: Мухаррир, 2008. – 179 б.



акаси Али Паздавийда ҳам кузатилиб, у Кешга сургун қилинади ва ўша ерда вафот қилади. Сўнгра Абу ал-Юср Паздавий ва Абу ал-Муин Насафий ўз оилалари ва шогирдлари билан Бухорога кўчиб ўтишга мажбур бўладилар. Бу икки алломанинг, айниқса, уларнинг шогирди ҳисобланмиш Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Аҳмад Самарқандийнинг (в. 539/1144-45й.) Бухорога кўчиб ўтишлари у ерда мутакаллим олимлар орасида Мотуридий таълимотининг кенг ёйилишида ўзининг катта таъсирини кўрсатди. Қолаверса, аллома акаси Фахрул-ислом Абу ал-Уср Али Паздавийдан кейин ўз даврида ҳанафийлар шайхи бўлган. Унинг лақаби “Қози” бўлиб, усулий олим ва фақиҳ эди. У шофиъий – ашъарийларнинг ҳанафийлар таълимотига қарши қаратилган фаолиятини фош қилишда жонбозлик кўрсатади ҳамда имом Мотуридий ва Абу Ҳанифанинг Ашъарийга нисбатан устунликларини ҳимоя қилади¹⁶. Паздавий имом Ашъарийнинг кўплаб асарларини мутолаа қилади. Унинг “Мужиз ал – кабир” ва “Мақолат ал-исломийин” асарларини ҳам кунт билан ўрганайди. Аллома ўзининг “Усул ад-дин” асари муқаддимасида Киндий каби файласуфларнинг, Жуббойи, Каъбий¹⁷ ва Наззом каби мўътазила имомларининг асарларини ўқиб чиққанлигини зикр қилиб, улар ҳақидаги қарашларини баён қилади. Бундан ташқари, у Абу Мансур

Мотуридийнинг “Китоб ат-тавҳид” ва “Китоб ат-таъвилот” асарларини, фикҳ китоблари ва бошқа турли фанлар тўғрисида ёзилган асарларни ҳам кунт билан ўрганиб чиққанини айтади. Унинг Самарқандда олиб борган фаолиятининг муҳим йўналиши ҳам, Абу Мансур Мотуридийнинг “Китоб ат-тавҳид” ва “Китоб ат-таъвилот” асарларида баён этилган таълимотини тартибга солиш ҳамда ёйиш, умуман, Мотуридийнинг эътиқодий қарашларини ҳанафий мазҳаби ақидасига айлантиришдан иборат бўлган.

Мутакаллим олимлар аҳли сунна вал-жамоанинг соф эътиқодий қарашларини баён қилиш билан бирга ўз давридаги турли адашган фирқа ва оқимларга ақлий ва нақлий далиллар воситасида раддиялар берганлар. Шунингдек, аҳли сунна вал-жамоанинг ақидавий таълимотларидан бири бўлган ашъарий таълимотининг ҳам айрим қарашларига ўз муносабатларини билдириб ўтган. Мотуридий таълимоти асосчиси Абу Мансур Мотуридийда ашъарий таълимоти нисбатан фикрлар учрамайди. Чунки бу даврда ашъарий таълимоти ҳам, мотуридий таълимоти ҳам алоҳида ақидавий мактаб даражасига етмаган эди ва ушбу икки таълимотнинг ғоявий рақиблари, асосан муътазилийлар эди. Мотуридий таълимоти вакиллари билан биринчи бўлиб, Абу ал-Юср Паздавийнинг ашъарийларга нисбатан билдирган фикрларини учратиш мумкин. Чунки Паздавий ўз давридаги турли фирқа вакиллари билан яқиндан таниш бўлгани билан бир қаторда, Абул Ҳасан Ашъарийнинг ҳам

¹⁶Улрих Рудолф. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. – Тошкент: Имом Бухорий халқаро жамғармаси-ўзбекча нашр ҳуқуқи, 2001. – Б. 160.

¹⁷ Иккинчи иловага қаранг.



асарларини таҳлил қилган. Паздавий Ашъарийнинг асарлари ҳақида шундай фикр билдирган: “Бизнинг асхобларимиз “таквин” ва “мукавван” масаласида Абул Ҳасан Ашъарийнинг фикрларини нотўғри деб ҳисоблайди. Шунинг учун ким Абул Ҳасан Ашъарий хато қилган масалалардан воқиф бўлса ва унинг хатосини билса, унинг китобларидан фойдаланиши ва сақлашидан хавф йўқ. Чунки, кўпгина уламоларимиз имом Ашъарийнинг китобларини ўқиб турганлари сир эмас”¹⁸.

Калом илми вужудга келган дастлабки даврларда унга нисбатан салаф уламолари қарши чиққанлар ва ҳатто калом билан шуғулланган инсонни кофир даражасига ҳам чиқарганлар. Бунга сабаб, исломнинг илк даврларида ҳар қандай шаръий масалани ечишда фақатгина Қуръон ва Суннатга суяниш зарур бўлган. Ақлий тафаккурга оид бўлган мантиқ, фалсафа каби фанлар кўфроний ҳисобланиб, улар билан шуғулланиш қатъиян ман қилиб қўйилган эди. Калом илми эса, ақидавий масалаларни нақлий далиллар ҳисобланмиш Қуръон ва ҳадислар билан бир қаторда ақлий тафаккур ва баъзи ўринларда фалсафий ёндашувларни ўзида мужассам этган илм ҳисобланган. Шу боис дастлабки даврларда калом билан шуғулланган олимлар (мутакаллимлар) фақиҳ уламолар томонидан кескин танқидга учраганлар.

Бунга мисол қилиб калом илмини танқид қилган бир қанча фақиҳ уламоларнинг фикрларини келтириш мумкин: Абу Ҳанифа шундай деган:

¹⁸ Абул-Юср Паздавий. Усул ад-дин. – Қоҳира: Дор ихё-л-кутуб-л-арабия, 1963. – Б. 14.

“Амр ибн Убайдни худо урсин. Чунки калом илмига ўша эшик очиб берди”¹⁹

Абу Ҳанифанинг энг яқин шогирди Абу Юсуф шундай деган: “Калом илмини ўрганиш, билиш жаҳолатдир. Уни билмаслик эса илмдир”. Имом Шофийий эса, калом илмига энг қаттиқ қаршилик кўрсатган: “ Аҳли калом ҳақидаги менинг ҳукмим қўйидагича: Уларни дарахт пўстлоғлари ва ковушлар билан савалаб, эшакка тескари мингизиб ўзларининг қабилаларига сазойи қилиш керак ва қабила аҳлларига, бундай жазо фақат Қуръон ва суннатни тарк этганларга берилур, деб жар солиш керак”.

Аҳмад ибн Ҳанбал шундай деган: “Калом илми билан шуғулланувчи одам ҳеч қачон иқболли бўлмас”. Абул-Лайс Ҳофиз шундай деган: “Қайси бир олим калом илми билан шуғулланса, унинг исми уламолар сафидан ўчириб ташланади”²⁰

Калом илмини танқид қилган олимлар, Қуръон ва ҳадисда ислом таълимоти, мафкураси, эътиқодий-назарий қарашлари муфассал талқин этилган ва шунгача бўлган ҳар қандай диний, фалсафий, мантиқий ва ақлий назариялар бекорчи нарсалардир, деган фикрларида қатъий туриб олганлар. Улар ислом динигача шаклланган юнон, форс ёки шарқ фалсафаси, шу жумладан, калом илмидан воз кечишни маъқул деб билганлар. Чунки калом илмидан нақлий далилларни олиб ташланса, фалсафа илмига жуда яқин бўлиб қолар эди. Калом илмига нисбатан таъқиқ ва

¹⁹ Мансур А. Калом илми тарихидан бир лавҳа // Имом Бухорий сабоқлари журнали. – 2004. - № 4. – Б. 253.

²⁰ Мансур А. Ўша мақола. – Б. 254.



чекловлар ҳижратнинг иккинчи асригача давом этган.

Лекин кейинги асрларга келиб ислом дини дунёнинг кўп мамлакат ва халқларига ёйилиши ва ислом мафқурасининг турли ноисломий мафқуралар билан тўқнашуви натижасида уларга раддия бериш муаммолари келиб чиқа бошлади. Чунки ислом ақидаси ва аҳкомларини уларга тушунтириш ва асослаб бериш учун оят ва ҳадисларнинг ўзи кифоя қилмас эди.

Шунингдек, ислом динининг ўзида ҳам исломнинг соф ақидасига зид бўлган тоифа ва оқимлар пайдо бўла бошлаган эди. Бундай оқим ва тоифалар ўзларининг дунёқарашларида асосан калом, мантиқ, жадал, мунозара каби ақлий далил ва ҳужжатларга суянар эдилар. Бундай оқимларнинг энг пешқадамларидан бири, шубҳасиз муътазилийлар эди. Улар ўзларининг ақидаларини тарғиб қилишда ҳатто тазйиқ ва куч ишлатиш усулларида ҳам фойдаланар эдилар. Бунга мисол қилиб, уларнинг энг ёрқин вакиллари Ибн Абу Довуднинг халифа Маъмунга “Қуръон махлуқдир” деган нотўғри ақидани барча мусулмонларга мажбуран сингдириш зарурлигини уқтиргани ва имом Аҳмад ибн Ҳанбални жазолатгани ҳақидаги тарихий воқеаларни келтириш мумкин. Шунинг натижасида соф ақида тарафдорлари ўз муҳолифларига фақат нақлий далилларни ўрганиш билан ҳам шуғулланишларига тўғри келган эди.

Шундай қилиб, аввал салаф уламолари томонидан ман қилинган калом илми ислом дунёсида ҳам кенг кўламда ўрганила бошланди ва бу фанда дунёга машхур ислом мутафаккирлари,

файласуфлари ва мутакаллимлари етишиб чиқди.

Натижада, мусулмон оламида калом илмида аҳли сунна вал-жамоа ақидасига мувофиқ бўлган икки мазҳаб: Бағдодда “ашъарилик”, Самарқандда “мотуридилик” мактаблари пайдо бўлди. Юқорида калом илмига нисбатан билдирилган қарши фикрлардан фарқли ўлароқ, ушбу икки аҳли сунна вал-жамоа мактаби мутакаллимлари калом илмига нисбатан ўзларининг ижобий фикрларини билдира бошладилар.

Бундай олимларга мисол қилиб, мотуридий калом мактабининг машхур намоёниси Абу ал-Юср Паздавийнинг қуйидаги фикрларини келтириш мумкин: “Калом илми фарзи айн бўлган усул ад-диннинг шарҳидир. Бу илм билан шуғулланиш шу қадар зарурки, уни эътиқоддилардан ўрганиш мубоҳ, ҳатто фарзи кифоя даражасидадир”²¹. Аллома “Усул ад-дин” асарида “Китобул-олим вал-мутааллим”дан устоз ва шогирд ўртасида бўлиб ўтган қуйидаги суҳбатни калом илми билан шуғулланиш мумкин эканига далил сифатида келтиради.

Шогирд:

- Устоз, баъзи одамлар менга: “Бу ишга (калом илми билан шуғулланишга) асло дахл этма. Зеро, саҳобалар ҳам бу ишларнинг ҳеч бирига дахл этмаганлар. Уларнинг қилганини қил” дедилар.

Устоз:

- Сен уларнинг камчиликларидан баъзиларини кўриб, уларга қарши далил излаётганингни пайқадим. Агарда улар сенга: “Саҳобаларга етган

²¹ Саидмүхтор Оқилов. Абу-л-Муин Насафий илмий мероси ва мотуридия таълимоти. – Тошкент: Мовароуннаҳр нашриёти, 2008. – Б. 38.



нарса сизга етмайдими?” десалар, уларга: “Саҳобаларнинг ўрнида бўлганимда, уларга етган нарса менга ҳам етар эди, аммо уларнинг ҳузурида бўлган зот менинг ёнимда йўқ”, дегин.

“Биз, бизни бадном қилишга урунганларни ва қонимизни тўкишни ҳалол санайдиганларга дучор бўлдик. Қайси биримиз ноҳақ ва қай биримиз ҳақ? Буни билмаслигимиз мумкин эмас. Биз ўзимизни ва номусимизни ҳимоя қилмоғимиз лозим. Расулуллоҳ (с.а.в)нинг асҳоблари эса, қарши курашувчилари бўлмаганидан аслаҳага эҳтиёж сезмаган халққа ўхшар эдилар. Биз эса, уруш қиладиган душманга йўлиққанамиз учун ҳам қуролланишимиз зарур”²².

Паздавийнинг гувоҳлик беришича, Абу Ҳанифа ҳам ўз шогирдларига калом илмидан таълим берган ва бу борада мўътазиллийлар билан мунозаралар олиб борган. Лекин умрининг охирларида калом илмида мунозара қилишдан қайтарган. Шундай бўлсада, калом илмини ўрганиш ва бу борада китоблар тасниф қилишга рухсат берган.

Паздавийнинг энг машҳур шогирдлари сифатида Абул-Муин Насафий, Рукнул-аимма Абдулкарим ибн Муҳаммад Санойй (ёки Сабойй) Маданий, Муҳаммад ибн Тоҳир Самарқандий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Ҳулабий, “Ақоид ан-Насафий” асарининг муаллифи Абу Ҳафс Нажмиддин Умар Насафий²³ (ваф. 537/1142 й.), ўғли Қози

²² Имом Аъзам. Имом Аъзам асарлари. – Тошкент: Мовароуннаҳр нашриёти, 2003. – Б. 40;41.

²³ Абу Ҳафс Нажмиддин Умар ибн Муҳаммад Насафий (1069-1142) - тарихчи, фақих, тилшунос, муҳаддис, муфассир олим. Унинг муслмон қонуншунослигага доир “Манзуматун Насафия фил-хилофиют”, “Ақоид ун-Насафия”, шарият

Абулмаолий Аҳмад (у ҳаж зиёратини амалга ошириб Марвга боради ва шу ерда қозилик мансабига ўтиради), Усмон ибн Али Бойкандий²⁴, Аҳмад ибн Наср Бухорий ва Абулбадр Саъд ибн Муслим Хайзуроний, Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий (Тухфат ал-фуқаҳо китоби соҳиби) ҳамда акасининг ўғли Ҳасан ибн Али каби олимларни санаб ўтиш мумкин²⁵. Муҳаммад ибн Тоҳир ибн Абдуллаҳмон ибн Ҳасан ибн Муҳаммад Саъдий Самарқандий Лубодий²⁶ ва Муҳаммад ибн Мансур ибн Мухлис ибн Исмоил

қонунлари ва Қуръони карим шарҳига доир “Ал-йавоқит фил-мавоқит”, 3 китобдан иборат (100 босма табоқ ҳажмида) “Тайсир фит-тафсир”, шунингдек, тасаввуфга доир “Рисомаи Нажмия” китоби бизгача етиб келган бўлиб, улар етарли тадқиқ этилмаган. Муслмон оламида Абу Ҳафс Насафий асарларига қизиклиш қадимдан катта бўлган. Унинг “Манзуматун-Насафия” асарига замондоши Аловуддин Абулмужоҳид Муҳаммад Самарқандий (вафоти 1157 й.) “Ҳасрул масойил ва касруд-далойил” деб, номланган тафсир битган. Саъдуддин Масъуд ибн Умар Тафтазоний Насафий асарларига “Шарҳи ақоид ун-Насафия” номли шарҳ ёзган. Насафийнинг “Ал-Қанд фий зикри уламои Самарқанд” номли асари, асосан, самарқандлик машҳур кишилар ҳаёти ва фаолияти ҳамда улар ривоят қилган ҳадисларга бағишланган бўлиб, унда Мовароуннаҳр тарихи, географияси, топонимикаси ҳамда Ислом тарихига доир муҳим маълумотлар мавжуд. Асарга киритилган машҳур шахслар таржимаи ҳоли араб алифбоси тартибида жойлаштирилган бўлиб, унинг бизгача тўлиқ етиб келмаган қўлёзма нусхасининг “хо”дан “коф” ҳарфларигача бўлган қисмигина сакланиб қолган. Шундай бўлса-да, бу асар мустақил юртимиз ўтмишига доир бўлак манбаларда учрамайдиган маълумотларга эга эканлиги боисидан ниҳоятда муҳимдир. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти Насафийнинг ушбу асарини “Самарқандия” номи остида чоп этган (2001).

²⁴ Қаранг: “ал-Ансоб” Самъоний I жилд, - Б. 339.

²⁵ Лакнавий. “Ал-Фавоидул-баҳийа”. Ж. I. Б. 79.

²⁶ ҳижрий 515 йилнинг Сафар ойи ўрталарида вафот этган.



Навқадийлар²⁷ ҳам Абу ал-Юср Паздавийдан илм таҳсил қилган²⁸. Манбаларда қайд этилишича, Абу ал-Юср Паздавий 493/1100 йил 69 ёшида Бухорода вафот этади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, диний-ақидавий масалаларни илмий асосда чуқур ўрганиш ҳозирги давр учун ҳам, амалий аҳамиятга эга эканлиги ушбу мавзунини нақадар муҳимлигини кўрсатади. Ислом динининг маданий қадриятлари ва анъаналари, жаҳон миқёсида ислом дини қолдирган жуда улкан маънавий мерос нафақат минтақамизнинг тарихий ривожланишига кўп жиҳатдан қўшилган ҳиссасини, балки унинг ҳозир шаклланиб бораётган сифат жиҳатдан янги қиёфасини ҳам белгилаб беради.

Абу ал-Юср Паздавий ўз давридаги бошқа фирқалар билан баҳслар олиб бориш билан бир қаторда, ашъарий таълимоти ва бошқа тоифаларни уларнинг асарлари орқали ўрганиш билан чегараланмасдан, бевосита ашъарийлар ва нотўғри ақидадагилар билан ҳам илмий баҳс-мунозаралар олиб борган. Демак, Паздавийнинг бой илмий меросини хусусан “Усул ад-дин” асарини мотуридия таълимотини ҳимоя қилувчи асар сифатида баҳолаш ўринлидир. Шунингдек, бу асар бугунги кунда пайдо бўлган айрим экстремистик кайфиятдаги адашган оқимларга қарши курашда ҳам катта аҳамият касб этиши табиий

²⁷ ҳижрий 535 йилнинг Рамазон ойида Самарқандда муфтий ва мударрислик қилган ва шу ерда вафот этган

²⁸ Ёқут ибн Абдуллоҳ Ҳамавий. Мўъжамул-булдон. – Байрут. Дорул-фикр нашриёти. 6 жилд. Б. 34.



References:

1. Улрих Рудолф. Ал-Мотурудий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. – Тошкент: Имом Бухорий халқаро жамғармаси-ўзбекча нашр ҳуқуқи, 2001.
2. “Ҳидоят”. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг диний-маърифий, илмий-адабий нашри. 2010 йил 7-сон.
3. Лакнавий. Ал-Фавоиду-л-баҳийа. Ж. I.
4. Алоуддин Али ибн Амруллоҳ ал-Хумайдий. Табақот ал Ҳанафия. – Боғдод: 2005. 2 жилд.
5. Самъоний Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамимий. Ал-Ансоб. Ж.I. – Байрут: Мактабатул асрия, 1998.
6. Насафий Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад. Ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд / Назар Муҳаммад ал-Фарёбий таҳрири остида. – Саудия Арабистони: Мактабатул Кавсар, 1991.
7. Ибн Қутлубғо. Тож ат-Тарожим фи табақот ал-Ҳанафия. Боғдод: 1962.
8. Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад. Ўрта Осиё олимлари қомуси. – Тошкент: Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази нашриёти, 2007.
9. Оқилов С. Абу Мансур ал-Моуридий илмий мероси ва мотуридия таълимоти // Монография. – Тошкент: Ҳилол, 2020. – Б. 35-36; Ибн Яҳё. Шарҳу жумали усул ад-дин. Туркия жумҳурияти “Сулаймония” кутубхонаси, Шаҳид Али бўлими. – Қўлёзма. Инв. 1648/II. – В. 120а-121а.
10. Оқилов С. Абул Муин ан-Насафий ва мотуридия таълимоти. Монография. – Тошкент: Муҳаррир, 2008.
11. Абул-Юср Паздавий. Усул ад-дин. – Қоҳира: Дор ихё-л-кутуб-л-арабия, 1963.
12. Мансур А. Калом илми тарихидан бир лавҳа // Имом Бухорий сабоқлари журнали. – 2004. - № 4.
13. Имом Аъзам. Имом Аъзам асарлари. – Тошкент: Мовароуннаҳр нашриёти, 2003.
14. Самъоний. ал-Ансоб. I жилд.
15. Ёқут ибн Абдуллоҳ Ҳамавий. Мўъжамул-булдон. – Байрут. Дорул-фикр нашриёти. 6 жилд. Б. 34.